



Шаймурат Бағдатов

№ 323

«14» май 2018 ж.й

Некөме қаласы

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги
“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги
ПҚ-3716-сонли қарори ҳақида

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шарфкат рамзи ҳисобланган Муборак Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда ҳамда муқаддас неъмат динининг инсонларварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб қадриятларини кенг тарқатиб этиш, диний-маърифий кадрларнинг яраб-авайлаш ва улғулаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-3716-сонли қарорида белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-3716-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олиниши.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарорига мувофиқ 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниши.

3. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Фурқатларнинг “Ўзини ўзи бошқариш” органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириши.

Жойларда Рамазон ойининг маълум-моҳиятида муҳаббат бўлган эзгу тоғлар, динимиз ёрқондирилиб эъзоллаш, ҳозирги нол ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одилларни бир-бирига аҳилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этилган, ёш авлодимики Ватанга муҳаббат, миллати ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарабиялашга хизмат қилган маърифий тadbирлар ва тағрибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва сўтқежкаманд кишиларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-ақлиёлларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларини ободонлаштиришга қаратилган тadbирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси телевидеокомпанияси, Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёришиш тавсия этилсин.

5. Маъмур қарорининг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Рақсининг ўринбосари М.Алеуов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси **К.Сариев**

